

Нутқ-ютуқ гарови

Ҳар бир таълим муассасасида ўзининг лидерлик фаолияти ва етакчилик қобилияти билан ажралиб турадиган талабалар бўлиши табиий. Уларнинг ажралиб туришига боис аввало, билими, сўнгра нотиклик салоҳиятидир. Худди шуни назарда тутган ҳолда, ТИҚХММИ да бир гуруҳ ёшлар иттифоқи етакчиларининг талаб ва истаклари ҳамда институт раҳбариятининг ташаббуси билан "Нотиклик маҳорати" тўғараги ўз фаолиятини бошлаган. Кун кеча тўртинчи машғулот бўлиб ўтди. Мавзунини ёритиш ва уни нутқ аниқлиги ва мантиқийлигига асосланган ҳолда қандай қилиб нутқ ирод этиш мумкин? Бунга эришишнинг сир-асрорлари ва тилсимлари борасида сўз юритилди. Таълим муассасалари орасида спортнинг шахмат тури бўйича танлов бўлиб ўтгани, унда иштирок этиб фахрли ўринни эгаллаган Фаррухбекнинг танлов тассуротлари тингланди. Фаррухбекнинг нутқини тингловчилар тинглаш асносида эришган ютуқлари ва йўл қўйган нуқсонларини бирин-кетин айта бошлашди. Ўзгани баҳолаш, аслида ўзингни ўзгага баҳолатиш демакдир.



Жонли нутқнинг сирини, ўз таассуротини ўзгага кўчириш ва жонли манзара яратиш учун нутқ хусусиятларини қай даражада билиш муҳимлигини тингловчилар теран идрок этишди. Назарий маълумотларни амалий машғулотлар билан уйғунлаштириш асносида ўтказилган дарс талабаларга завқу шавқ бахш этаётгани сир эмас. Микрофон, минбар, видеокамера орқали жамоага юзланишда нималар муҳимлиги борасида маълумотлар берилди.

ТИҚХММИ матбуот хизмати